







Яхшидан бог қолади

Гулбогда Асалбой деб ном чиқарган, етмишини қоралаган бўлса ҳам ҳали одимни йигитларидан қолдиришди...

САВОБ

куртлайсан. Боққа чик, боққа! Ота беморнинг кунглини анча кутариб, кейин ортига қайтди.

пуллик ишингиз бор? Менга хат-лаб берилганига анча бўлди-ку!

Хуноби ошиб кетди. Узини босди. Қизиқ, у битта ниҳол кўкартирганим, йўқми, бог меники дейди-я, бевандиша.

Кумуш момо чилининг нега асабиллашганини фахрлаш учун унга қаради. Отанинг ўзи «эрилди»:

— Уртағриқдаги богни биласан-а? Соли билан бирга тиклаганмиш. Шу пайтгача биттаям ниҳол куримаганим. Бугун мол оралаб юрибди. Ноинсофлик бу!

Ризмат ота ёшлиқдан лоқайдликни ёқтирмайди, эл қорига ярасам деб интилади. Эсида: урушдан кейинги йилларда Гулбоққа табиий газ олиб келаман, деганда ҳамма уни талбага чиқарганди.

Қизиқ, одамлар нега ишонмайди? Газ олиб келганда эса тилини тишлаб қолишди.

Хужалиқда бешта бог барлоқилди, асаларичиликни йўлга қўйди. Куролмаганлар ушандам гапирди. Парво қилмади.

Ташқарида машина овози эшитилди. Чол хавлларини йиғиб олди.

— Ассалому алайкум, Асал бо-бо, — дея раис кириб келди. Ризмат ота раиснинг саломига совуқина алик олди.

— Биламан, хадасиз, хато қилган эканман, — раис ота олдида хижолатомуз оҳангда суз бошлади.

— Эрта-индин Соли ота касалхонадан чиқаркан. Салимбойнинг богини яна узларингизга қайтарамиз. Ҳа, яна бир боғни кенгайтириш учун кўшимча ер ажратдик, кўчатларни Фарғонадан олиб келамиз. Ҳаммасига Навруз байрамигача улгуршимиз керак.

Чолинг чеҳраси ёришди. — Савоб бўлади, ўғлим, — деди у раиснинг елкасига қоқиб. — Боғи борнинг боли боғ дейдилар. Биздан сизларга шулар қолади...

Даврон БАҲРОНОВ.

Эҳтиром

Олимларни икки тоифага бўламан: бири илм ва илмий унвонларни ўзи учун яшаш манбаи, мансаб ва лавозим воситаси деб билса, аё бир тоифадаги олимлар фақат фан учун, халқ учун яшайдилар.

Мақсад буюклиги уларни эл эъзозига мушарраф этади. Академик Азизхон Қаюмов ҳам ана шундай фидойи олимлар тоифасига кирди.

Дом-ланинг етмиш йиллик ҳаётини йўли ва эллик йиллик илмий-ижодий фаолиятини бир йўлга тула ишонч ҳосил қиламиз. У фақат етук адабиётшуносни эмас, етакчи манбашунос, матншунос, маданиятшунос, санъатшунос, айна чоғда тула маънода ижодкор таржиманунос ҳамдир.

Азизхон Қаюмов ана шу Маҳмуд ижоди бўйича 1954 йилда филология фанлари номзоди бўлган, унинг 1961 йилларда «Қўқон адабий муҳити» деган катта ва салмоқли монографияси нашр этилди ва филология фанлари доктори деган юксак илмий даражага етишди. Худди шу тадқиқоти заминда олим VIII-XIX аср Қўқон хонлигидаги сиёсий-иқтисодий ва адабий-маданий ҳаётга оид энг муҳим тарихий йўналишларни, жараёнларни курсатиш орқали адабиётдаги етакчи ва илгир демократик йўналиш илгизларини умумлаштириб берди.

Фақат умумлаштириб берди қолмай, адабиётшунослик фанида биринчилардан бўлиб Хозик, Гозий, Маъдан, Махмур, Нодира, Увайсий, Махмур, Мултири, Андалиб, Мирза-

лим, Акмал, Мушриф, Низомий, Ҳўқондийлар каби унлаб унутилаётган истеводларни кашф этди. Айна чоғда уларнинг ҳар бири ижоди намуналарини биринчи бор нашр этириб, манбашунослик, матншунослик борасида ҳам савобли ишларга йўл очди. Шундан сўнг олим ижодий фаолиятининг иккинчи бир муҳим

лозим. Бу уринда олим кўпинча мустақил тадқиқотлар яратган бўлса-да, кўп ҳолларда илмий жамоа билан ҳамкорликда ҳам иш юритди. Хусусан, кўп жиддий мумтоз адабиётшунослик тарихини яраттидаги иштироки ёки Москвада нашр этилган «Жаҳон адабиёти тарихи»нинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (XIII-XIX асрлар) қис-



лиятини яна бир янги йўналиш, янги босқич пайдо бўла бошлади. Бу аввало тасавуф адабиётини қайта баҳолашда, кенг маънода ислом тарихатлари руҳида ёзилган ал-Бухорий, ат-Термизий, Нақшбанд, Намжиддин Кубро каби Шарқнинг буюк алломалари ижодига аввало маънавият, бадияят нуқтаи назаридан баҳо беришда кузга ташланади.

Академик Азизхон Қаюмов филология фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат курсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совридор, фан фидойиси ва ташкилотчи эмас, у аввало бағри кенг, мард, саховатли ва субутли, талабчан ва меҳрибон УСТОЗдир. Биз ҳам ана шу катта харфлар билан битилувчи чекисиз ҳурматга эга устозга шоғирд бўлганлигимиздан бир умрга фахрланамиз.

Собир МИРВАЛИЕВ, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат курсатган фан арбоби.

ШОГИРД БЎЛГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

босқичи бошланди. Бу босқичда асосий эътиборни энг қадимий ёзма ёдгорликларни излаш ва урганишга қаратди. Натижада қадимий Ўрхун-Энасой битикларини, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» каби ёзма ёдгорликларини тадқиқ этиб, туркий халқлар маданияти, ёзуви, адабиётининг қадимий ва бойлигини исботлаб берди. Шунингдек, Абу Али ибн Синодек буюк алломанинг кўп жилдлик «Тиб қонунлари» асарининг арабчадан ўзбекчага ағдарилишида фооллик курсатди. Унинг «Ажойиб кишилар ҳаёти» туркумидаги битиклари орасида «Алишер Навоий» (1976) асари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Академик Азизхон Қаюмов илмий-ижодий фаолиятининг туртинчи бир босқичи бутунлай ўзбек мумтоз адабиёти тарихини яратишга қаратилганлиги билан изоҳланмоғи

мини ёзганлиги фикримизни қувватлайди.

Бордию, гап Азизхон Қаюмовдек забардаст, фидойи ва ҳалол олим ҳақида борар экан, унинг республикаимиздаги матншунослик ва манбашунослик борасидаги бекиёс хизматларини ҳам унутиб бўлмайди. Хусусан, мумтоз адабиёт вақиллари бўлмиш Алишер Навоийдан тортиб, Ҳамза Ҳакимзодагача бўлган адабий меросни туллаш ва уларнинг илмий тасвифини яраттидаги фаолияти ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқдир. Унинг Республика фанлар академияси Ҳ.Сулаймонов номли Кўлэмалар институти фондида сақланаётган форс ва эски ўзбек тилидаги мингдан ортиқ кўлэмаларнинг илмий таснифи ва тасвифини яратганлиги ҳам шундан далолат.

Аёнки, республикаимизда миллий истиқлол сари йўл очилгач, домла илмий фао-

Спорт

КЛУБ ВА ЎРНИБОСАРЛАР РЕСПУБЛИКА Футбол федерациясида журналистлар билан учрашув бўлди.

Ийгилишни федерациянинг етакчи мутахассиси А. Имомхужаев олиб борди. Мутасадди-мутахассислар Республика Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда футболимизни янада ривожлантириш ва доврuginи оширишга қаратилган вазифалардан келиб чиқадиган таклиф ва мулоҳазалар уртага ташланди. Хусусан, футбол жамоаларини клубларга айлантириш, футболчиларнинг шартнома асосида фаолият курсатиши, харажатларни ўзи қоплайдиган бўлиши ҳақида фикрлар билдирилди. Айна пайтда ҳар бир жамоа қошида уринбосарлар гуруҳини ташкил этиш, футболнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда янги мавсумга тайёргарлик ҳақида ҳам савол-жавоблар бўлди.

ОЛИМПИАДАНИ КЎЗЛАБ

Чирчиқда бокс бўйича спартакиада бошланди. Биринчи марта ўтказилган бунга мусобақада чарм қўлқоп усталари маҳорат курсатишга ҳаракат қилдилар. Баҳс тўрт кун давом этиб, боксчилар шу йил ёзда бошланадиган олимпиада синовиға қандай тайёргарлик куришаётганлигини амалда намойиш этидилар. Муҳлислар Наримон Отаев, Дилшод Ербеков, Дилшод Йўлдошев каби моҳир боксчиларнинг чиқишларини ҳам томоша қилдилар.

CUKURS - BIZNESS TAKLIF. ШАКАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАМИЗГА ХИССАДОР БЎЛСАНГИЗ, СИЗ ҲАР ОЙДА 20 ФОНДАН 27 ФОНДГАЧА Фойда олишингиз мумкин. 5000 сўмингиз бир ой ичидеяк 6000 сўмга кўпаяди.

ЎЗБЕКМАШСЕРВИС. ЎЗБЕКИСТОН - БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ. сўмда пул ўтказиш йўли билан Турли модификацияли МАЗ туркумидаги автомобилларни, МТЗ экскаваторлари ва тракторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги: Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М двигателларини, АТЗ-10К ёқилғи заправкачи машиналарини сотади.

ҚЎШМА КОРХОНА ТАКЛИФ ЭТАДИ: Халқ эҳтиёжи молларини етказиб беради: Парфюмерия (турли атирлар, лосьёнлар, дезодорантлар) Франция ва Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган. Италиянинг ҳар-хил баҳорги-ёзги пойабзаллари. Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пулга, маҳсулотлар Тошкент шаҳридаги омборга келиб тушгандан сўнг.

ЎЗБАТ ҚЎШМА КОРХОНАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ. Ўзбек-Британия қўшма корхонаси ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ. ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун энг катта инвесторлардан биридир. Биронта бошқа саноат компанияси ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти даражасида ишчиларига гамхўрлик курсатмайди.

ЎЗБАТ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ (BAT Central Asia). Ўзбек-Британия қўшма корхонаси ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ. ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонаси Ўзбекистон иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётган инвесторлардан биридир. Биронта саноат корхонаси ўз ҳодимларига ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонасидек гамхўрлик курсатмайди.

ҚЎШМА КОРХОНА 1996 йилга қўйидагиларини етказиб бериш учун Буюртмалар қабул қилади: Қора металл (лист, углок, кувур, айлана металл) Қўрилиш материаллари. Тўлов шакли — пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пулга, маҳсулотлар Тошкент шаҳридаги омборга келиб тушгандан сўнг.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ. МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН. Таҳрир хайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимкул СУЛТОНОВ (масхул котиб), Аслидин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосиям ШОИСЛОМОВ, Шухрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР: Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35. Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19. Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22. Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ. Манзиллар: Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06. Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16. Халқро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16. Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.